

Чимбай Участкасидаги Иқтисодий Ва Сиясий-Ижтимоий Муаммоларни Хал Этишда Қозилар Судининг Ҷрни Ва Роли

Онаев Баймурат Абдрешитович¹

Аннотация: 1873 - йилгача Қуйи Амударёнинг ҳар икки қирғоғи ҳам Хива хонлиги қўл остида эди. Лекин, бу ерларни Чор Россияси босиб олганидан кейин Амударёнинг ўнг қирғоғида Чор Россиясига қарашли Амударё бўлими тузилди. Амударё бўлими бошқарув тизими ҳарбий амалдорлар қўлида эди. Бўлимнинг европалик аҳолиси учун рус судлари, маҳаллий аҳоли учун эса олдингидек анъанавий судлар амалда бўлди. Бу мақалада Амударё бўлимининг Чимбай участкаси қозилар судида иқтисодий ва сиясий-ижтимоий муоммоларни хал этишда қозилар судининг ҷрни ҳақида сўз этилади. Илмий ишда олдин илмий муомилага киритилмаган архив материалларидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: Амударё бўлими, Чимбай участкаси, қозилар суди, қозилик ҳужжатлар, қарз, вақф, жазо, шариат, одат, архив ҳужжатлар.

XIX аср охирига келиб Қуйи Амударё буйидаги ўтириқли халқларнинг ижтимоий ҳаётида қози судларининг ҷрни юқори бўлди. Маҳаллий аҳолининг кундаликли турмушида одат билан бирга шариатнинг аҳамияти ортиб борди. Чор Россияси Хива хонлигини босиб олганидан кейин қозилар суди Амударёнинг ҳар икки қирғоғида ҳам бирдек ўринга эга бўлмади. Чор Россияси қўл остида бўлган ўнг қирғоқда асосий ишларни кўриб чиқиш рус судлари қўлида бўлди. Лекин маҳаллий халқ қозилар судига муражат қиларди.

1873 йилда Россия империяси томонидан Хива хонлиги босиб олинган, шу йилнинг 12 августидан Гандимиён сулҳитузилди, унинг шартларига кўра, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар Россия империяси тасарруфига ўтди ва ушбу ҳудудда Туркистон-генерал губернаторлигининг Сирдарё вилояти таркибида Амударё бўлими тузилди. Амударё бўлимининг ташкил топиши асрлар давомида бирга яшаб келган Хива хонлиги аҳолисини сунъий равишда иккига бўлиб юборди.

Амударё бўлимининг маъмурий маркази 1874 йилда Амударёнинг ўнг қирғоғида барпо этилган Петро-Александровск шаҳри эди. Амударё бўлими 2 қисмга: Шўраҳон участкаси, Чимбой участкасига бўлинган.

Чимбой участкаси таркибида 12 та - Нукус, Чимбой, Кегейли, Кўкўзак, Бешёп, Ишим, Дауқара, Кўккўл, Наўпир, Таллиқ, Қўнғирот, Янгибозор волостлари, Шўраҳон участкаси таркибида эса 7 та – Шўраҳон, Тўрткўл, Шайх Аббос Вали, Бийбозор, Мингбулоқ, Тамди, Сарибий волостлари мавжуд бўлган.

Амударё бўлими бошлиғи ҳарбий лавозим эгаси бўлиб, Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига бўйсунган ва уезд бошлиғи мақоми ва ваколатларига эга бўлган. Участка бошлиқлари - приставлар рус маъмурлари эди. Қуйи маъмурият аъзолари – волост бошлиғи, оқсоқол, мироб, қози, бий, ариқ оқсоқоллар маҳаллий аҳоли вақилларидан иборат бўлиб, уларнинг номзодлари аввалдан Амударё бўлимининг бошқарувчиси томонидан кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Диний эътиқоди жиҳатидан Амударё бўлими аҳолисининг 97,6 % мусулмонлар бўлиб, шундан 97,4% суннийлар, 0,2 % шиалар (эроний) эди.

¹ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти



Шўрахон участкасида аҳолининг катта қисмини ўзбеклар, Чимбой участкасида эса, қорақалпоқ ва қозоқлар ташкил этган [7:54].

Туркистон вилоятида судлар фаолиятига оид 1865 йилги «низом»га кўра жорий қилинган чекловлар янги тузилган Амударё бўлимида ҳам кучга эга бўлди. Халқ судларида кўрилувчи ишлар доираси жуда кенг бўлиб, аҳолининг салкам 90% и қозилик ва бийлик судларига мурожат қиларди [1:72].

Суд ишлари қозиларнинг қўлида бўлди. Бироқ, аввалгидек ҳар бир бекликнинг қарамағида бир қозидан эмас, марказлаштирилди. Масалан, Амударё бўлимининг Чимбой участкаси 1876 йили сайловдан сўнг 5 судлик участкага бўлинди:

- 1 – участка - Нукус бўлислигини тامينлади;
- 2 – участка - Давқора бўлислигини тامينлади;
- 3 – участка - Қўнғирот ва Таллиқ бўлисликларини тامينлади;
- 4 – участка - Кегейли ва Навпир бўлисликларини тامينлади;
- 5 – участка - Чимбой, Ешим ва Кўк-кўл бўлисликларини тامينлади.

Бу участкаларнинг ҳар бирида қози турди. Қозилар ҳам бўлис, оқсоқоллардек, бўлис сайлов съездида уч йил муддатга халқ тарофидан «сайланиб» қўйилди [9:14].

1897 йили Чимбой участкасида эса 10 та суд районлари (Нукус, Чимбой, Ешим, Кўкўзьяк, Кегейли, Наупир, Таллиқ, Даукора, Янгибазар, Бешяб, Кўккўл) бор эди. Кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудлар учун Шурахон участкасининг Бийбазар волостида 3 та, Мингбулак волостида 4 та, Тамди волостида 4 та судья, Чимбой участкасининг Нукус волостида 4 та, Таллиқ ва Кўккўл волостларида 3 та, Қўнғирот волостида 2 та, Давқора волостида 4 та халқ судьялари бор эди [13: 8 вақрақ орқа томони].

Мусулмонлар ҳаётида оила қуриш улкан воқеалардан бири ҳисобланади. Албатта, оила қуриш маросимлари халқнинг азалдан сақланиб келаятган урф-одатлари ва шариат асосида олиб борилган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларда никоҳдан ўтиш фақат шариат асосида бўлмасдан ва ўз урф-одатларига кўра ҳам амалга оширилган. Маҳаллий халқларнинг одатига кўра олдиннан келишилган ҳолда фарзандлари дунёга келмасдан олдин худо бўлишга келишиб оладиган ҳолатлар ҳам учраган. Бу ҳолатни туркий халқларда «Ақлай» худо бўлиш деб айтганлар. Агарда бу келишув бузилса яъни тарафининг айби билан ҳар қандай сабаблар билан амалга ошмаса, унда айибдор аёвсиз жазоланган.

Қўйи Амударё бўйидаги халқлар ўтириқли ва кўчманчи ҳаёт тарзи яшаганлиги сабабли, шариат билан бирга одат ҳуқуқи ҳам сақланиб қолди. Ўтмишдаги кўчманчи ва ярим ўтириқли халқларнинг одат ҳуқуқи ўзининг ажойиб соддалиги билан ажралиб турарди, уларнинг турмуш тарзининг соддалиги ва патриархалликга мос келади. Узоқ вақт давомида турли давлатларга қарам бўлиб туриши, ўтроқ аҳоли билан яқин алоқада бўлиши, мусулмончиликнинг таъсири, судхўрликнинг ривожланиши ва умуман иқтисодий шароитларнинг ўзгариши сабабли одат ҳуқуқи шундай ўзгаришларга дуч келдики, деярли олдинги одатдан сезилмайдиган асоратлар сақланиб қолди.

Қозилар суди қўйидаги тартибда амалга оширилди: даъвогарлар пайдо бўлганда, қози шариат қоидаларига кўра, тергов ва сўроқ бошламасдан, уларга сулҳ тузишни таклиф қилади ва бунинг учун маълум муддат белгилаб беради, шундан сўнг даъвогар суд томонидан ишни ҳал қилишни талаб қилишга ҳақли эди. Сўроқ ва текширувлардан сўнг, далиллар етарли бўлмаса ва поклигига қасам ичганидан сўнг, қози тарафлардан бирининг айбини эълон қилиб, муфтийдан шариатда қандай жарима ёки жазо борлигини сўрайди [6:61].

Қорақалпоғистон тарихига назар ташласак айибдорлар кўпинча қамчи билан жазоланиб, кўпчилик ҳолатларда арабага боғланиб сабаланган. Гоҳида бу жазонинг урнига айибдорлар қишлоқдан кўчириб юборилган. Айирим ҳолатларда эса гуноҳқорга қарор билан «ёмон» деган



айиб танилган. Шунга алоқадор 1961 йили Тахтақўпир туманидаги Айимбет эшон масжидидан топилган ҳужжатда қизиқ маълумот берилади. Унда, бир қишлоқдан бўлса керак, 18 киши, шунинг ичида эшон, хўжа ва шайих номаълум икки инсонни «ёмон инсонлар» деб атагани кўрсатилган. Шундай қарор чиқарилгандан кейин барча уларни «ёмон инсонлар» деб атаб, айибланувчиларни четлатишга ҳаракат этган [7:179-180]. Жамиятдаги бундай тушунча шариятга мос бўлмаса ҳам инсонларни тарбиялашда, аҳоли орасида тартибни сақлашда фойдали бўлган урф-одатлардан ҳисобланади.

Қорақалпоқларда бу ҳолат «ақ уйли» бўлди деб айтилган. «Ақ уйли» – атамаси аҳолидан ажиратиб ёмон отли қилиб, шу йул билан кўрқитиш орқали жазолашга қўлланган. Кўпинча сиёсий жиноятчиларга бериладиган жазо тури бўлган. Бердақ шоир «Ерназарбий» асарида қорақалпоқ халқ қахрамони Ерназарнинг Хива хонига қарши кўзғалан қилгани учун хоннинг назарида жиноятчи деб топилиб хон томонидан «ақ уйли» қилингани айтилади [3:120].

Хива хонлиги ва Чор Россиясига қарам бўлиб турган вақтларда ҳам маҳаллий халқларнинг судга мурожати ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб, у яшаш тарзидаги муаммолар ўзгармаганлигидан далолат беради. Сиёсий жиноятлар учун юқорида айтганимиздек жамоатчилик томонидан қавм оқсоқоллари ва обрўли дин вакиллари йиғини тарафидан жазо тайинланган. Бу ерда яшаган халқлар кўп йиллар давомида бир-бирининг ҳуқуқ тизими ва одатларига таъсир қилиб бошқарув бирликларида ўхшашликлар фойда бўлган. Заки Валидий Тоған ўзининг мемуар асарида бу ҳақида ёзади: «Қўнғирот билан Чимбой орасидаги Нукусда башқуртлар уруғлари яшайди, улар бу ерга бир неча асрлар олдин кўчиб келган. Бу ерда башқуртлар ёки истякларнинг уруғлари Манқанай, Қойпназар, Қоратеренчи, Қалмуртайли деб номланади. Қорақалпоқлар башқуртлар каби тепаликда халқ йиғинини ўтказди, бизлар ҳам уни «йыйын» деб атаймиз» [4:28-30].

XIX аср охири XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётида судхорлик жуда катта роль уйнаган, ҳужжатли манбаларга кўра, у халқ хўжалигининг барча соҳаларига кириб борган, иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиб ва дароматларини ошириб ўтирган, мамлакат аҳолисининг камбағаллашишига олиб келган.

Маълумки, сўдхорлик Қуръони Каримда тақиқланган, бироқ амалда турли ҳийлалар ёрдамида бу тақиқ узок ўтмишда четлаб ўтилган. Ҳуқуқшунослар сўдхорлик йук бўлган шундай турдаги ҳужжатларни ишлаб чиққанлар. Улардаги сўдхорлик қарзи фоизсиз кўриниб, ҳийла билан яширинган (хизмат учун тўлов, бирон бир арзон нарсанинг нархи, ижора ва бошқалар) [15:37].

Чимбай участкасининг қозилик ҳужжатларига назар ташласак уларнинг аксарияти қарз масаласи билан боғлиқлигини кўрамиз. Жумладан, 1904 йилги Чимбай қозиси Мирхамид Мирҳақназар ўғлининг тузган 80 та актномасининг 50% и қарз олиш ва бериш, қарзни ундириш масалаларига бағишланган [10:40].

Шуниси муҳимки, қози суд жараёнида даъво ҳужжатларига алоҳида эътибор қаратган. Агар бир киши судга даъво билан келса, ундан албатта, қилаётган даъвоси юзасидан ҳужжат ёки далил келтириши талаб қилган. Жавобгарнинг иқрори ҳужжат ўрнига ўтган. Ушбу ҳужжатни гувоҳлар тасдиқлаши керак бўлган. Даъвогарнинг далили бўлса-да, лекин гувоҳлари бўлмаса, унинг даъвоси қози томонидан қабул қилинмаган. Кўчмас мулкка нисбатан даъво қилинган ҳолатда қози судда гувоҳлардан ҳовлини ёки ернинг умумий майдони қанчалигини сўраган. Шундан сўнг қози даъво қилинаётган ерга бориб гувоҳлар ва даъвогардан кўчмас мулкнинг тўрт томондан чегараларини кўрсатиб беришни талаб қилган [14:76-77].

Суд процесси хусусий даъво тури бўйича қурилган, яъни фуқаролик ва жиноий ишлар фақат даъво аризаси билан қўзғатилган. Шарият қоидаларига кўра, қози ишни моҳиятан кўришни бошламасдан туриб, ишни мурасо йули билан тугатишни таклиф қилиши керак эди. Агар таклиф қабул қилинса, бу жараён тугатилади. Томонлар келиша олмаса, қози ишни кўриб чиқишга киришади. Даъвогардан етиб келган қозихоти йил ва сано ёзилиб, қозининг муҳри босилган. Масалан, шундай ҳужжатлардан бирида 1324 ҳижрий, 22 джумади аввал, Мурод



Камал ...қарри киртум (қари) деб ёзилиб 2 даъвогарнинг етиб келиши ҳақида қози хоти ёзилган [11:67].

Амударё бўлимидан жиноят қилиб ёки бошқа сабаблар билан Хива хонлиги ерига ўтган ёки аксинча Амударё бўлимига ўтиб кетган инсонни қидириб қози хот йуллаган. Бошқа ҳолатда Хива хонлигининг ўзининг ичидаги бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга хот йуллаб сўраган. Унга ўзига тегишли ҳудудда бор ёки йўқ эканлиги буйича ҳар бир қози жавоб хоти ёзган: 14 март №51 1906 жыл 51 ёзган хатимизда Ниязбийка исимли ночор қози хузурида Шўманай бийлиги (Хива хонлигига қарашли) да эди. Худайберган Зарлик уғлинан айирилип талоқ булиб кетуб хозирда Хива қарамағида ўтирибти [11:37].

Қозихона ҳужжатлари орасида энг кўп учрайдиган ҳужжатларидан бири ерни сотиш ёки сотиб олиш буйича бўлиб, уларда ернинг кимдан олинганлиги, ернинг кўлами ва сотиб олувчининг ер учун қайси пулда қанча пул тўлаганлиги кўрсатилади. Шунингдек, ҳужжатнинг охирида гувоҳларнинг исми-шарифи ёзилиб, қозининг муҳри босилган бўлади.

Мерос қолдириш буйича ҳужжатларда мерос қолдирувчи инсоннинг нечат меросхўри борлиги, уларнинг кимлиги ва уларга нималар қолдирилиши бирма-бир ёзилади. Қўйидаги ҳужжатда бу аниқ кўрсатилган: 1332 йил 29 шабон / 1914 йил 22 август

Мулла Адина келди ўғли Мулла Оллоҳқули қолдирган меросни тақсимлаш. У вафот этгач, ўғилларидан икки меросхўр қолди: Абдулла Махдум ва Бобожон Махдум. Уларнинг Пишканик ҳудудидаги ерлари ва уйлари ўн йил олдин улар ўртасида тақсимланган, аммо тўлиқ эмас. Бу даврда Абдуллоҳ Махдум ҳам вафот этди. У меросхўрларини қолдирди: Мамажан-бика исмли хотини, Муҳаммад-Ёқубнинг қизи, икки қиз ва етти ўғил: уларнинг каттаси Муҳаммад-Карим ва Насруллоҳ. Биринчи бўлинишда қолган тақсимланмаган мулк адолат ҳакамлари томонидан баҳоланди ва ундан зикр этилган Муҳаммад Карим ва Насруллоҳнинг улуши саккизта ер эди: биринчи тўртдан уч танаб, иккинчиси бир хил, учинчиси, уйлари ва ёғ хонаси (жуваз-хона) бўлган қирқта агри, тўртинчиси, Кият-Қўнғрат ҳудудидаги Буз-қалъада тахминан 55 та таноб, бешинчиси – 54 тага яқин, яна зикр этилган Буз-қалъада, олтинчиси. Майли-чангал ҳудудида иккита танаб ва 60 агри, эттинчиси ўша Майли-чангалда тахминан ярим танаба ва қирқ агри, саккизинчи ёпиқ уй ўша жойда. Буларнинг барчаси 111 тиллага баҳоланган бўлиб, уларнинг ҳар бири муомаладаги тўққизта тангага тенг. Рўйхатга олинган барча мулклар ушбу бўлимга рози бўлган Муҳаммад-Карим ва Насруллоҳга топширилди.

Гувоҳлар. Паҳлавон-Ниёз оқсоқол, Абдалкарим.

Қотиб: Дамулла Карим-берди.

Думалоқ муҳр: 4,5 см Қози оқза ал-қузат Дамулла Муҳаммад-Салим ахунд ибн Муҳаммад-Саид марҳуми. 23 бет 36 x 22,5 см [5:53-54].

Шунинг учун руҳонийларнинг иқтисодий ва сиёсий роли янада кўтарилди, бунинг натижасида унинг таркибидаги шахслар мамлакатнинг маҳаллий ва марказий бошқарув аппаратининг турли лавозимларига тайинланди.

Масжид ва мадрасаларга берилган ерлар қорақалпоқларда «ўақым жер» (вақф ер) деб аталиб, унинг берилишида қозилар ҳам иштирок этган. Қорақалпоғистоннинг ўнг томонидаги вилоятларида Россияга қўшилишдан олдин вақф ерларига эга бўлган 38 та масжид бўлган. Вақф ер эгаллиги Россияга қўшилганидан кейин ҳам сақланиб қолган ва руҳонийлар ҳамон марказий ва маҳаллий ҳокимият томонидан рағбатлантирилган [2:12-13]. Вақф ерларининг ҳужжатларига хон билан бирга қозининг муҳри босилган. Айрим ҳужжатларда эса фақат қозининг муҳри босилган [12:10 варақ орқа томони]. Барча вақф ерлари ижарага олинган бўлиб, унинг миқдори қозилар томонидан белгилаб қўйилган. Имтиёз руҳонийларга катта даромад келтирди ва унинг йирик ер эгаси сифатида дехқонлар устидан ҳокимиятини мустаҳкамлади.

Халқ судларининг сони маҳаллий аҳоли талабларини қаниқтирмаслиги ва маҳаллий аҳоли учун қозиларга мурожат қилиш учун узоқ масофани босиб утиши қийинчиликлар туғдирди. Бу ҳол



Чор Россияси босиб олинганидан кейин ҳам давом этди. Буни 1890 йили Амударё бўлими начальниги Сирдарёя вилояти бошқармасидан Кўкқўл ва Кегейли янги суд округларини ташкил этиш, шунингдек, Янгибазар ва Бешяб қози судларини сайлаш тўғрисида илтоснома киритишни сўраганидан ҳам англаш мумкин [13:8].

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳанинг муайян жабҳасидаги ташкилий жараён жамиятнинг шу соҳадаги умумий тараққиёт даражасини ҳам кўрсатади. Қорақалпоқ жамиятида ҳар хил ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилишда қози ва бийларнинг ўрни катта бўлганлигини юқоридаги малумотлар кўрсатади. Бир неча асрлар давомида шариат ва одат бири-бирига сингиб уларни ажиратиш қийин даражада бўлиб қолган эди. Шариатни ёзилган, одатни эса ёзилмаган қонунларга қиёслаш мумкин. Шунки, кўчманчи аҳоли суд ишларини хужжатлаштирмасдан оғизаки олиб борган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахимова Н. А., Эргашев Ф. Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. Тошкент: Академия, 2002.
2. Аметов К. Из истории основных форм землевладения у каракалпаков Хивинского ханства (со II пол. XIX в. до 1920 г.) // Вестник Каракалпакского филиала академии наук Узбекской ССР. Нукус, 1961.
3. Бердақ. Сайланды шығармалары. Нөкис: Билим, 2019.
4. Заки Валидий Тоган. Воспаминания. Книга II. Уфа: Китап, 1998.
5. Каталог хивинских казийских документов. XIX–XX вв. Составители: А.Урунбаев, Т.Хорикова, Т.Файзиев, Г.Джураева, К.Исогай. Ташкент-Киото, 2001.
6. Крафт И.И. Судебная часть в Туркестанском крае и степных областях. Оренбург, 1898 – г.
7. Қарақалпақстан АССР ы тарийхы. I том. Нөкис: Қарақалпақстан, 1975.
8. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. (Қарақалпақстан XIX әсирдиң екинши ярымынан XXI әсирге шекем). Нөкис: Қарақалпақстан, 2003.
9. Рзамбет Қосбергенов. Қарақалпақ халқының колониаль дәўирдеги мәденияты хәм турмысы. Нөкис: Қарақалпақстан, 1970.
10. Ўз МА, И - 1021, 1 - руйхат, 1 - йиғма жилд.
11. Ўз МА, И - 125, 1 - руйхат, 151 - йиғма жилд.
12. Ўз МА, И - 17, 1 - руйхат, 32535 - йиғма жилд.
13. Ўз МА, И - 17, 1 - руйхат, 4718 - йиғма жилд.
14. Умаров Т., Мирзаев Н. Ўзбекистон худудида қозилик судларининг фаолият кўрсатиши хусусиятлари // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд. Тошкент, 2020.
15. Шайхова А. О формах и роли ростовщичества в хивинском ханстве конца XIX века (по документам из собрания ИВ АН УзССР) // Общественные науки в Узбекистане. Ташкент: Фан, №5. 1984.

